

ИНСОНИЯТНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ КАШФИЁТЛАРИ

Турсунова Ҳилола Яркуловна

Тел 99. 765. 25. 02.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20767190>

Аннотация. Узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган миллий маданият, маънавий-ахлоқий қадриятлар, шунингдек меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ соҳасида орттирилган тажрибаларни ёшлар қалбига етиказиши.

Калим сўзлар: белкўрак, ўқдон, тиг, эҳтиёж, механизациялашган, плуг.

Инсоният тараққиёти тарихи меҳнат, изланиш ва кашфиётлар тарихи ҳисобланади.

Қадим замонлардан одамлар табиат имкониятларидан унумли фойдаланиш, ҳаёт шароитини яхшилаш ва эҳтиёжларини қондириш учун турли ихтиролар яратганлар. Ана шу кашфиётлар орасида деҳқончилик, чорвачилик ва меҳнат қуролининг пайдо бўлиши инсоният ҳаётида муҳим бурилиш ясаган.

Тарихий манбаларга кўра, Марказий Осиёнинг қулай тупроқ-иклим шароити қадимги аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланишига кенг имконият яратган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиб, ердан унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият берган. Жумладан, деҳқончилик ривожини билан боғлиқ қадимий кашфиётларни бир неча босқичга бўлиш мумкин:

аввало, ерга ишлов беришда белкўрак, кетмон ва ўроқ каби содда қўл асбоблари ишлатилган, улар ёғоч, тош ва суякдан ясалган;

иккинчидан, металлургия ривожланиши билан мис, бронза ва темирдан тиг, ўқдон, пичоқ, болта каби қуроли ясала бошланган, бу эса меҳнат унумдорлигини оширган;

учинчидан, омов ва плуглар пайдо бўлиб, уларни ҳўкиз ва отлар ёрдамида тортиш усули катта майдонларни тез ва сифатли ҳайдашга имкон берган;

тўртинчидан, суғориш тизимлари – ариқлар, чиғир ва сув кўтаргичлар воситасида ерлар мунтазам суғорилиб, бир неча бор ҳосил олишга эришилган;

бешинчидан, ҳунармандчиликнинг темиривчилик, кулолчилик ва заргарлик каби тармоқлари ривожланиб, ортиқча маҳсулотлар савдо орқали бошқа ҳудудларга чиқарилган;

олтинчидан, асосан буғдой, арпа, жавдар ва мош каби экинлар етиштирилиб, улар нафақат озиқ-овқат, балки уруғлик ва савдо буюми сифатида ҳам қимматли бўлган.

Буғдой, арпа ва жавдар каби экинлар нафақат озиқ-овқат эҳтиёжини қондириш, балки савдо-сотиқ учун ҳам етиштирилган. Айниқса, буғдой инсониятнинг деҳқончилик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Аҳоли сонининг ортиши озиқ-овқатга бўлган талабни кучайтирган. Бу эса одамларни ерни ҳайдаш, суғориш, ўғитлаш ва ҳосилдорликни ошириш усуллариини излаб топишга ундаган. Дастлаб инсонлар тош ва ёғочдан ясалган содда меҳнат қуролидан фойдаланганлар. Кейинчалик улар учи ўткир тош қуроли яратиб, меҳнат самарадорлигини оширишга эришганлар.

Вақт ўтиши билан металлга ишлов бериш санъати ривожланган. Натижада болта, ўроқ, кетмон, теша, найза, пичоқ, қилич ва ханжар каби қуроллар, шунингдек турли заргарлик буюмлари яратила бошланган. Металлдан тайёрланган меҳнат воситалари инсон ҳаётини энгиллаштириб, иш унумдорлигини сезиларли даражада оширган. Бу даврда устахоналар ташкил топиб, хунармандчилик ривожланган, савдо алоқалари кенгайган.

Қадимги ажодларимизнинг энг муҳим ихтироларидан бири омов ҳисобланади.

Омов деҳқончилик ишларини энгиллаштириш ва ерни самарали ҳайдаш мақсадида яратилган. Дастлаб ер қўл меҳнати билан белкурак ёрдамида ҳайдалган бўлса, кейинчалик от ва ҳўкизлардан фойдаланилган ҳолда омов ёрдамида ер ҳайдаш усули кенг тарқалган. Бу эса қисқа вақт ичида катта майдонларга ишлов бериш имконини берган.

Омов асосан уч қисмдан — тана, қулоқ ва ўқдондан иборат бўлган. Унинг олд қисмига металл тиг ўрнатилиб, шу орқали тупроқ ағдарилган. Қулоқ қисми орқали деҳқон омовни бошқарган, ўқ эса ҳайвонларга уланиб, қурилмани олдинга тортиб борган. Бу оддий тузилма ўз даври учун катта техникавий ютуқ бўлиб, деҳқончилик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган.

Тараққиёт натижасида янги технологиялар ва замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари пайдо бўлди. Тракторлар, плуглар ва бошқа механизациялашган қурилмалар омов каби анъанавий воситалар ўрнини эгаллади. Шу сабабли қадимги меҳнат қуролларига бўлган эҳтиёж камайиб борди.

Шу билан бирга, ажодларимиз томонидан яратилган бундай кашфиётлар халқимиз тарихи ва маданиятининг ажралмас қисми сифатида қадрланади. Улар ҳақидаги маълумотлар ёзма манбалар, археологик топилмалар ва музейлар орқали бизгача етиб келган. Ҳар бир кашфиёт инсон ақл-заковати, меҳнатсеварлиги ва ижодқорлигининг ёрқин намунасидир.

Хулоса қилиб айтганда, инсониятнинг энг қадимги кашфиётлари нафақат одамларнинг кундалик ҳаётини энгиллаштирган, балки цивилизация тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратган. Бу бебаҳо меросни ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир. Музейлар эса ана шу бой тарихни сақлаш ва намойиш этишда беқиёс аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Зарафшон воҳасида хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик. О.А.Остонов. Тошкент. 2013
2. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи.
3. А.Х.Дониёров, О.Бўриев, А.А.Аширов. Тошкент “Yangi nashr” 2011
4. Ўзбек халқ этнографияси. И. Жобборов. Тошкент. 1994
5. Ўзбекистон этнографияси тарихидан лавҳалар. (XX асрнинг 20-80 йиллари) Тошкент. 2003
6. Археология (ўқув қўлланма) Н.А.Эгамбердиева Тошкент. 2011